Куч — адолатда

2011 йил,
19 май,
пайшанба
№ 20 (326)

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг ҳуқуқий газетаси | http://www.supcourt.uz | 1998 йил 29 августдан чиқа бошлаган.

Буюк ва муқаддассан, мустақил Ватан!

Бугун ҳар бир юртдошимиз тилида ҳам, дилида ҳам шукроналик, ифтихор ҳисси билан яшамоқда. Зеро, кундан-кун чирой очиб, оламшумул ўзгаришларга юз тутаётган Ўзбекистонимизнинг ижтимоий-иқтисодий, маънавий-сиёсий салоҳияти тобора юксалиб бормоқда.

Президентимиз раҳнамолигида халқимизнинг ҳаёт даражасини ошириш, иқтисодиётимизни юксалтириш, ижтимоий соҳаларда туб ислоҳотларни жорий этиш, келажагимиз эгалари бўлган ёшларнинг эзгу интилишларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш каби олижаноб мақсадлар йўлида амалга оширилаётган ишлар юртдошларимиз қалбида келажакка бўлган ишонч ҳиссини янада мустаҳкамламоқда.

МУНАВВАР КУНЛАР ШУКУҲИ

бу завқни ҳар бир юртдошимиз теран ҳис қилаётир

Халқимиз учун тинчлик-фаровонлик улуғ неъмат, фарзандлар камоли, уларнинг ёруғ истиқболи буюк бахту саодат.

Президентимиз таъбири билан айтганда, Ватанимиз келажаги, халқимизнинг эртанги куни, мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамиятидаги обрў-эътибори, аввалambор, фарзандларимизнинг униб-ўсиб, улғайиб, қандай инсонлар бўлиб ҳаётга кириб боришига боғлиқ.

Мамлакатимизда замонавий ўқув даргоҳларида таълим-тарбия жараёнини тубдан яхшилаш, ҳар бир талаба ўз танлаган касби ёки ҳунарининг ҳақиқий эгаси, маънавий етук инсон бўлиб етишиши учун катта ишлар амалга оширилмоқда.

— Мен шу коллежда ўқийдиган неварамни кўргани келгандим, — **дейди Андижон педагогика коллежидаги учрашувда Нўъмонжон ота Исроилов.** — Ҳозирги ёшларга яратилган шароитлар ва эътиборни кўриб, ўқувчилик йилларим ёдимга тушди. Биз онамиз матодан тикиб берган сумкажилдни кўтариб, томидан чакка ўтадиган синфхоналарда таълим олардик... Президентимиз ёшларнинг ўқишни битиргандан кейинги тақдири ҳақида ҳам қайғураётгани оталарча меҳр-муҳаббатнинг ёрқин ифодасидир. Не-не қийин даврларни бошдан кечирган биз, кексалар бугунги дориламон кунларни кўрганимизга шукроналар айтамиз.

Тинч ва осойишта юртдагина тараққиёт, бунёдкорлик ва фаровонлик бўлади. Ватанимизнинг барча гўшаларида бўлгани каби Андижон вилоятида ҳам ҳар жабҳада ривожланиш, янгиланиш жараёнлари давом этмоқда. Юртдошларимиз қалбида чексиз ифтихор, ҳайрат ва ҳавас, ғайратшижоат туйғуларини юксалтираётган бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари айни кунларда янада қизғин тус олган. Президентимиз ўтган йили Андижон шаҳрига ташрифи чоғида алоҳида эътироф этган «Ўзбекистон» ва «Бобур» шоҳкўчалари бугун янада кўркам қиёфа касб этиб бормоқда.

Юзлаб андижонликлар ифтихор ва меҳр билан бу эзгу ишларга ҳисса қўшмоқдалар. Андижон шаҳрида шу йилнинг 21 май куни "Ободлик кўнгилдан бошланади" шиори остида гўзаллик ва нафосат фестивали бўлиб ўтади.

(Давоми тўртинчи бетда)

Газетамизнинг ўтган сонида Олий Мажлис Сенатининг 2011 йил 25 — 26 март кунлари бўлиб ўтган V ялпи мажлисида маъқулланган "Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги қонуннинг мазмун-моҳияти ҳақида сўз юритган эдик. Қуйида ана шу фикрларни давом эттирамиз.

Yangi qonun mohiyati

Йўл ҳаракати хавфсизлигининг ҳуқуқий асослари

бу борадаги меъёрлар янада такомиллаштирилди

(Давоми. Бошланиши ўтган сонда)

Иккинчи мақола

Маълумки, транспорт воситасини бошқараётган шахс нафақат ўзининг хавфсизлигини таъминлаши, айни чоғда бошқаларга ҳам халақит бермаслиги шарт. Аммо айрим кишилар бу қоидани унутиб қўйиши оқибатида нохуш ҳолатлар юзага келади. Халақит бериш ёхуд авария ҳолати юзага келишига олиб борганлик учун жавобгарлик Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 128-моддасида белгиланган. Бироқ бунда мазкур ҳуқуқбузарликларнинг юқори ижтимоий хафвлилиги инобатга олинмаган. Ваҳоланки, бундай ҳуқуқбузарликлар аксарият ҳолларда қасддан содир этилиб, транспорт воситаларининг ҳаракатланишига тўсқинлик қилади ва ҳаракат хавфсизлигига жиддий хавф туғдиради. Шу боис, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс **"Транспорт воситалари ҳайдовчиларининг халақит бериши ёки авария ҳолатини юзага келтириши, йўлнинг қарама-қарши ҳаракатланиш учун мўлжалланган томонига ёки бўлагига чиқиши"** номли 128^5-модда билан тўлдирилди. Унга кўра, транспорт воситалари ҳайдовчиларининг тўсқинликсиз ҳаракат қилиш ҳуқуқига эга транспорт воситаларининг ўтиб кетишига ҳалақит берганлиги учун энг кам иш ҳақининг беш баравари миқдорида жарима белгиланди.

(Давоми учинчи бетда)

Huquqiy ma`rifat

Илмий асос

суд қарорининг янада аниқ бўлишига хизмат қилади

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда амалга оширилган туб ўзгаришлар натижасида фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишнинг муҳим бўғини бўлган суд тизими ҳам қайтадан ташкил этилди. Айниқса, судларнинг ихтисослаштирилиши — фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича судларга ажратилиши ишларни сифатли кўриб чиқиш имконини яратди. Шунингдек, ушбу ўзгаришларга мувофиқ равишда суд экспертизаси тизими ҳам такомиллаштирилиб борилмоқда.

Маълумки, Фуқаролик процессуал кодексининг 84-моддаси 1-қисмига кўра, фуқаролик ишлари бўйича судлар ишни кўриш вақтида келиб чиққан фан, санъат, техника ёки ҳунар соҳасида махсус билим талаб қилинадиган масалаларни тушунтириш учун ишда иштирок этувчи шахсларнинг илтимосига кўра ёки ўз ташаббуси билан судга оид экспертиза тайинлаши мумкин.

Демак, иш бўйича тақдим этилган далилларга тўғри баҳо бериш мақсадида фан, санъат, техника ёки ҳунар соҳасида махсус билим талаб қилинадиган масалаларга тегишли баҳо бериш учун экспертиза тайинлаш, ўтказиш ва унинг хулосаларидан далил тариқасида фойдаланиш суд қарорларининг барқарорлигини таъминловчи муҳим омил ҳисобланади.

(Давоми учинчи бетда)

ФУҚАРОЛАРНИНГ ЎЗИНИ ЎЗИ БОШҚАРИШ ИНСТИТУТИ МАМЛАКАТИМИЗНИНГ МУСТАҚИЛ РИВОЖЛАНИШ ДАВРИДА ЮКСАК ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ МАВҚЕГА ЭГА БЎЛДИ, УНИНГ ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ КУЧАЙДИ. МАҲАЛЛАНИ ЖАМИЯТИМИЗ СИЁСИЙ, ИҚТИСОДИЙ ВА МАЪНАВИЙ ҲАЁТИНИНГ МУҲИМ ТАРКИБИЙ ҚИСМИ СИФАТИДА РИВОЖЛАНТИРИШ БОРАСИДА ТИЗИМЛИ ВА ИЗЧИЛ ЧОРАЛАР КЎРИЛДИ. ФУҚАРОЛАР ЙИҒИНИ РАИСИ (ОҚСОҚОЛИ) ВА УНИНГ МАСЛАҲАТЧИЛАРИ САЙЛОВИНИНГ ҚОНУНИЙ ЖИҲАТДАН МУСТАҲКАМЛАНИШИ БУНИНГ ЯҚҚОЛ ДАЛИЛИДИР.

Jarayon

Оқсоқоллар сайлови юксак савияда ўтади

Олий Мажлис Сенатининг 2011 йил 31 мартда қабул қилинган **«Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»**ги қарорига мувофиқ, шу йилнинг май — июнь ойларида 9973 нафар фуқаролар йиғини раиси ва уларнинг 98 мингдан зиёд маслаҳатчилари сайланади.

Бугунги кунда маҳалла тушунчаси нафақат фуқароларнинг истиқомат қиладиган жойини, балки ўзини ўзи бошқаришнинг ноёб, ўзини оқлаган услубини ҳам англатади. Бугун маҳалла халқ ҳокимиятининг ноёб органи, ҳақиқий демократия мактаби сифатида жамиятимизнинг бирламчи бўғинига айланди. Унинг фаолияти одамларнинг кенг кўламли ислоҳотлар жараёнидаги онгли, манфаатдор ва фаол иштирокини таъминловчи омиллардан бири бўлмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги маърузасида баён қилинган мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясини амалга ошириш нуқтаи назаридан қараганда, маҳалла фуқаролик жамияти институтлари тизимида, аҳолини аниқ манзилли ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича давлат дастурларини ҳаётга татбиқ этишда, хусусий тадбиркорлик ва оилавий бизнесни ривожлантиришда, жойлардаги давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти устидан самарали ижтимоий назоратни олиб боришда тобора муҳим аҳамият касб этмоқда.

(Давоми иккинчи бетда)

2011 йил — «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили»

Юртимизнинг барқарор тараққиёти

бунда тадбиркорларнинг, уларга яратилаётган шарт-шароитларнинг ўрни беқиёс

Мамлакатимиз мустақил тараққиётининг ўтган йилларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ўз самарадорлигини амалда яққол исботлади. Бу тармоқ одамларимиз учун янги иш ўринлари очиш, барқарор даромад манбаларини яратишнинг энг муҳим омилларидан бирига айланди. **"Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили"** Давлат дастури доирасида юртимизда амалга оширилаётган ишлар натижасида соҳанинг янада тараққий этаётгани кўзга ташланмоқда. Жорий йилнинг биринчи чорагида кўплаб кичик корхоналар ишга тушгани, ҳудудий дастурларга мувофиқ яратилган 219 минг янги иш ўрнининг 62,9 фоизи кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасига тўғри келгани ҳам буни тасдиқлайди. Тадбиркорлик субъектларининг молиявий-хўжалик фаолиятини текширишлар сони кескин қисқартирилгани, адлия идораларида тадбиркорлар учун махсус "Ишонч телефони" ташкил қилингани уларнинг эркин фаолиятига кенг йўл очди. Кичик бизнесда саноат ишлаб чиқариши суръати 117,8 фоизни ташкил этгани ҳам ана шу имкониятлар мевасидир.

(Давоми иккинчи бетда)

АВВАЛО ШУНИ АЙТИШ КЕРАККИ, АМАЛДАГИ ҚОНУНЛАРДА ЕРДАН ФОЙДАЛАНИШ, ХУСУСАН, УЙ-ЖОЙ ҚУРИШНИНГ АНИҚ ТАРТИБ-ҚОИДАСИ, МЕЪЁРЛАРИ БЕЛГИЛАБ ҚЎЙИЛГАН. УНГА РИОЯ ЭТГАН ҲОЛДА УЙ ҚУРГАН КИШИ, ҲЕЧ ШУБҲАСИЗ, МЕҲНАТИНИНГ РОҲАТИНИ КЎРАДИ, ЯНГИ УЙДА ОИЛАСИ БИЛАН ҲУЗУР ҚИЛИБ ЯШАЙДИ.

Fuqarolik qonunchiligi

Ернинг ҳақиқий эгаси ким?

судда ушбу саволга аниқ жавоб топилди

Аммо ҳаётда ерга ўзбошимчалик билан эгалик қилиб, уй-жой қуришга уринадиган кимсалар ҳам, афсуски, учраб туради.

Табиийки, бундай кимсаларнинг ноқонуний қилмишидан бошқалар ҳам жабр кўради. Масалан, Денов тумани ҳокимининг 2004 йил 5 октябрдаги №450 сонли қарори асосида «Мингбулоқ» маҳалласи ҳудудидан «Ботир Расулов» номидаги фермер хўжалигига 46 гектар ер майдони ажратиб берилади. Кўп ўтмай ушбу хўжалик чорвачиликка ихтисослашган тарзда фаолият юрита бошлайди.

(Давоми иккинчи бетда)

Insonparvarlik tamoyillari

Бағрикенгликнинг ҳуқуқий ифодаси

МЕҲРУ ОҚИБАТ, БАҒРИКЕНГЛИК, АДАШГАНГА ТЎҒРИ ЙЎЛ КЎРСАТИШ, ЙИҚИЛГАННИ СУЯШ — ХАЛҚИМИЗГА ХОС АЗАЛИЙ ҚАДРИЯТЛАРДАН ҲИСОБЛАНАДИ. ЮРТИМИЗДА ЯШАЁТГАН ҲАР БИР МИЛЛАТ ВА ЭЛАТ ВАКИЛИНИНГ ТАБИАТИГА ЧУҚУР СИНГИБ КЕТГАН УШБУ ФАЗИЛАТЛАР ЎЗАРО ҲУРМАТ ВА ЭЪТИБОР РИШТАЛАРИНИНГ ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАНИШИДА МАЪНАВИЙ ТАЯНЧ ВАЗИФАСИНИ ЎТАЙДИ, ДЕСАК МУБОЛАҒА БЎЛМАЙДИ.

(Давоми учинчи бетда)

Fuqarolik qonunchiligi

Ернинг ҳақиқий эгаси ким?

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Бироқ кейинчалик шу маҳаллада яшовчи фуқаро Рустам Сатторовнинг фермер хўжалиги ҳисобидаги 0,31 га майдонни ноқонуний эгаллаб олиб, устига-устак, у ерда уй-жой қурганлиги маълум бўлади. Табиийки, бу ғайриқонуний ҳолатдан норози бўлган фермер Бахтиёр Расулов ваколатли идораларга мурожаат қилади. Фермернинг аризасига кўра, туман ҳокимлиги ҳамда прокуратураси томонидан жалб этилган мутахассисларнинг мониторинг-текшируви асносида ҳақиқатан ҳам Р.Сатторов фермер хўжалигига қарашли сувли ер майдонининг 0,31 га ер майдонини ҳеч қандай ҳужжатсиз, ўзбошимчалик билан эгаллаб олиб, унда икки хонали уй-жой ҳамда молхона қуриб олгани ойдинлашади.

Ушбу мониторинг-текширувдан сўнг ҳам Р.Сатторов қилган ишининг хатолигини тан олмасдан, давлат мулкига худди «отамерос» томорқасидай қараб, зўр бериб, турли баҳоналарни рўкач қилган ҳолда ер участкасини фермер хўжалигига қайтариб беришни пайсалга солиб келди. Фермер Б.Расуловнинг Рустамни инсофга чақириб, ерни қайтариб олиш ҳақидаги барча уринишлари ҳам зое кетди.

Хуллас, узоқ давом этган можаро охир-оқибат судга келиб тақалди.

Яқинда суд жалб этилган тарафлар ҳамда мутасадди идоралар ходимларининг фикрларини муҳокама этиб, қонуний ҳужжатлар билан батафсил танишиб чиқди ва барчасига қонун нуқтаи назаридан баҳо берди.

Айтиш керакки, Ер кодексининг 91-моддасида **«Ўзбошимчалик билан эгаллаб олинган ер участкалари уларга ғайриқонуний равишда эгалик қилган ва фойдаланилган вақтда қилинган сарф-харажатлар қопланмаган тарзда тегишлилигига кўра қайтарилади.**

Ер участкаларини фойдаланиш учун яроқли ҳолатга келтириш, шу жумладан, ундаги иморатларни бузиш ер участкаларини ўзбошимчалик билан эгаллаб олган шахслар ҳисобидан амалга оширилади.

Ўзбошимчалик билан эгаллаб олинган ер участкасини ер эгасига, ердан фойдаланувчига, ижарачига ёки ер участкаси мулкдорига қайтариш тегишли туман, шаҳар, вилоят ҳокимининг қарорига биноан ёки суднинг ҳал қилув қарорига кўра амалга оширилади», деб кўрсатилган.

Мазкур ҳуқуқий асосларга таянган ҳолда суд даъвогарнинг даъвосини қаноатлантириб, Денов туманининг Мингбулоқ маҳалласи ҳудудидаги «Ботир Расулов» фермер хўжалигига қарашли 0,31 га ер майдонига ўзбошимчалик билан қурилган уй-жой ва молхонани жавобгар Рустам Сатторовнинг ўз ҳисобидан буздиришни ҳамда ушбу ер участкасини «Ботир Расулов» фермер хўжалиги ихтиёрига мажбурий тартибда ўтказиш тўғрисида ҳал қилув қарори чиқарди.

Хулоса ўрнида шуни айтиш жоизки, узоқни кўра олмаслик, амалдаги қонунларга нописандлик билан қараш пайти келиб, қимматга тушиши тайин. Шундай экан, қай бир иш бўлмасин, уни амалга оширишдан олдин ҳар томонлама ўйлаб кўрилса, юқорида баён этилган ортиқча оворагарчилик ва сансалорликка ўрин қолмайди.

Шарофиддин НОРҚЎЧҚОРОВ,
фуқаролик ишлари бўйича Денов туманлараро судининг судьяси
Абдунаби БОБОЁРОВ,
«Куч — адолатда» мухбири

Jarayon

Оқсоқоллар сайлови юксак савияда ўтади

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Мустақиллик йилларида сайловни юқори савияда ташкил этиш учун тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказиш бўйича ҳуқуқий кафолатлар яратилди, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини шакллантириш жараёнидаги иштироки фаоллашди. Ҳозирги кунда маҳалла институти аввал давлат ҳокимиятининг маҳаллий органлари ваколатига кирувчи ижтимоий-иқтисодий хусусиятга эга 30 дан ортиқ вазифани бажармоқда. Жумладан, ўзини ўзи бошқариш органлари қошида яраштирув комиссиялари, «Маҳалла посбони» жамоат бирлашмалари фаолияти йўлга қўйилди, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар лавозими жорий этилди, аҳоли томонидан уй-жой-коммунал хизматлар тўловини тўлиқ таъминлагани учун фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига маблағлар чегириш тартиби жорий қилинди. Ушбу ва бошқа чоралар жойлардаги долзарб ижтимоий-иқтисодий масалаларни ҳал қилишда маҳалланинг роли ва аҳамиятини кучайтириш, кам таъминланган оилаларни қўллаб-қувватлаш, ҳудудларни ободонлаштириш ва бир қатор бошқа вазифаларни бажариши учун унинг моддий-техника базасини мустаҳкамланишини таъминлади.

Бўлажак сайлов – бу муҳим ижтимоий-сиёсий тадбир бўлиб, у жамиятимиздаги либераллашув жараёнларининг чуқурлашувига, демократик қадриятларнинг янада мустаҳкамланишига хизмат қилади.

Мамлакатимизнинг Бош қонунида фуқароларнинг энг муҳим сиёсий ҳуқуқларидан бири — сайлаш ва сайланиш ҳуқуқи мустаҳкамлаб қўйилган. Уларга мувофиқ фуқаролар тўғридан-тўғри ёки ўз вакиллари орқали жамият ва давлат бошқарувида иштирок этади. Бундай иштирок этиш ўзини ўзи бошқариш, референдумлар ўтказиш ва давлат органларини демократик тарзда ташкил этиш орқали амалга оширилади. Конституциямизнинг 105-моддасида белгиланганидек, шаҳарча, қишлоқ ва овулларда, шунингдек, улар таркибидаги маҳаллаларда фуқароларнинг йиғинлари ўзини ўзи бошқариш органлари бўлиб, улар икки ярим йил муддатга раисни (оқсоқолни) ва унинг маслаҳатчиларини сайлайди.



Ушбу конституциявий меъёрлар 1999 йил 14 апрелда қабул қилинган «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги қонунни ишлаб чиқишда асос бўлди, кейинги йиллар давомида ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш орқали ушбу қонун янада такомиллаштирилди.

Сайлов жараёнини тартибга солувчи навбатдаги ҳужжат 2004 йил 29 апрелда қабул қилинган «Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги қонундир. У 31 моддадан иборат бўлиб, мустақиллик йилларида бир неча бор ўтказилган фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови давомида тўпланган амалий тажрибага асосланган. Бу йилги сайлов давомида ушбу қонун учинчи маротаба амалда қўлланилади.

«Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги қонуннинг 5-моддасида «Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови ташкил этилаётганда ҳамда ўтказилаётганда фуқаролар йиғини ўтказиладиган кун, вақт ва жой тўғрисида фуқаролар хабардор этилади, фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари вазифасига кўрсатилган номзодлардан, овоз бериш якунларидан воқиф қилинади», дея белгиланган. Шунингдек, ошкораликни таъминлаш мақсадида ушбу қонунда фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайловига тайёргарлик жараёнини ҳамда сайлов қандай ўтаётганлигини Ўзбекистон Республикаси оммавий ахборот воситалари орқали ёритиб бориш кўзда тутилган.

Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва уларнинг маслаҳатчилари қонунда белгиланган талабларга жавоб бериши, яъни, сайлов куни тегишли ҳудудда доимий яшаб турган бўлиши, олий маълумотга, ташкилотчилик қобилиятига, ҳаётий тажрибага ва аҳоли ўртасида обрў-эътиборга эга бўлиши керак.

Ушбу тамойиллар мамлакатимизнинг ҳар бир фуқароси йиғинга ҳар томонлама муносиб, маҳалланинг ҳар бир аъзосини яхши биладиган ва кенг кўламдаги масалалар – ишга жойлашиш, кичик корхоналарни ташкил қилиш, касаначиликни йўлга қўйиш, аниқ манзилли ижтимоий ёрдам кўрсатиш, ёшларни тарбиялашга қодир ва бошқа фазилатларга эга инсон бошчилик қилишидан манфаатдор эканини тўлиқ ифодалайди. Раис (оқсоқол) маслаҳатчиларига келсак, улар тажрибали, барчанинг ҳурмат-эътиборига сазовор, одамларга зарур ва тўғри маслаҳат бера оладиган кишилар бўлиши лозим.

Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва уларнинг маслаҳатчиларини сайлаш очиқ ёки яширин овоз бериш орқали амалга оширилади – бу ҳам муҳим жиҳат. «Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги қонуннинг 20-моддасига кўра, сайлов очиқ овоз бериш орқали ўтказилаётганида овоз бериш ҳар бир номзод бўйича таклифларнинг келиб тушиш тартибига қараб, қўл кўтариш йўли билан ўтказилади. Ушбу қонуннинг 21-моддасига мувофиқ, сайлов яширин овоз бериш орқали ўтказилаётганида фуқаролар йиғини иштирокчиларига саноқ комиссияси томонидан номзодлар ҳақидаги маълумот акс этган овоз бериш бюллетенлари тарқатилади. Овоз берувчи ўзи қарши овоз бераётган номзодларнинг бюллетендаги фамилиясини ўчиради.

Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови фуқаролар йиғинида иштирок этувчилар рўйхатига киритилган фуқароларнинг ярмидан кўпи иштирок этган тақдирдагина сайлов ҳақиқий деб ҳисобланади. Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови фуқаролар вакилларининг йиғилишларида ўтказилган тақдирда, агар йиғилишда фуқаролар вакилларининг учдан икки қисмидан кўпи иштирок этган бўлса, сайлов ҳақиқий, деб топилади.

Мухтасар айтганда, фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови миллий анъаналар ва маҳаллада қарор топган амалиётни эътиборга олган ҳолда ишлаб чиқилган.

Фуқаролар йиғинларига бу галги сайлов шу йилнинг май-июнь ойларида, муҳим тарихий сана – Ватанимиз давлат мустақиллигининг йигирма йиллиги арафасида бўлиб ўтади. Шубҳасиз, ушбу тадбир мамлакатимизни демократик янгилаш ва модернизациялашда, «Кучли давлатдан кучли фуқаролик жамияти сари» тамойилини амалга оширишда яна бир муҳим қадам бўлиб, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг ролини янада кучайтиришга хизмат қилади.

Миравзал МИРАКУЛОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти гуруҳ раҳбари

2011 йил — «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили»

Юртимизнинг барқарор тараққиёти

бунда тадбиркорларнинг, уларга яратилаётган шарт-шароитларнинг ўрни беқиёс

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Президентимиз Ислом Каримовнинг 2011 йил 4 апрелда қабул қилинган **“Тадбиркорлик субъектларини текширишларни янада қисқартириш ва улар фаолиятини назорат қилишни ташкил этиш тизимини такомиллаштириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”**ги Фармони мазкур йўналишдаги яна бир муҳим амалий қадам бўлди.

Айниқса, тадбиркорлик субъектларини текшириш йилдан-йилга такомиллашиб, қисқартирилаётгани муҳим аҳамият касб этаётир. Президентимизнинг юқорида номи қайд этилган фармони билан тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилиниши янада мустаҳкамланди. Жумладан, давлат ва назорат органларининг корхоналар молия-хўжалик фаолиятига аралашуви кескин қисқартирилди, текширишларни ташкил қилиш тизими янада такомиллаштирилди ва мансабдор шахсларнинг улар фаолиятига асоссиз аралашуви учун жавобгарлиги янада кучайтирилди.

Айтиш жоизки, тадбиркорлик субъектлари фаолиятини текширишнинг тартибга солиниши баробарида текширишлар сони йилдан-йилга қисқартирилмоқда. 2001 йилда 226 мингдан кўпроқ тадбиркорлик субъекти фаолият кўрсатган бўлса, ўша йили улар фаолиятини текширишлар сони қарийб 75 мингтани ташкил этган. 2011 йилда эса тадбиркорлик субъектлари сони 471 мингдан ошгани ҳолда мавжуд субъектларнинг атиги бир фоизида режали текширишлар ўтказилиши мўлжалланган. Давлатимиз раҳбарининг фармонига биноан бу рақам янада қисқарди. Чунки шу асосда янги ташкил қилинган кичик тадбиркорлик субъектларининг молия-хўжалик фаолияти улар давлат рўйхатига олинган пайтдан бошлаб дастлабки уч йил мобайнида режали солиқ текширувларидан ўтказилмайди. Аввалги меъёрларга кўра, янги ташкил этилган микрофирмалар, кичик корхоналар молия-хўжалик фаолияти улар давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан эътиборан икки йил мобайнида режали текширувлардан ўтказилмасди. Бу муддатнинг яна бир йилга узайтирилгани ўз бизнесини йўлга қўяётганлар учун катта имкониятдир.

Бундан ташқари 2011 йилнинг 1 апрелидан 2014 йилнинг 1 апрелигача бўлган даврда солиқларни ва бошқа мажбурий тўловларни ўз вақтида тўлаб келаётган, шунингдек, ишлаб чиқариш суръатларининг барқарор ўсиши ва рентабеллигини таъминлаётган кичик тадбиркорлик субъектларининг молия-хўжалик фаолиятини текшириш тақиқланди. Ушбу меъёрга биноан текширишларнинг 2011 йил режа-жадвалидан 627 кичик бизнес субъекти чиқарилди. Яъни уларнинг молия-хўжалик фаолиятида текшириш ўтказилмайдиган бўлди.

Маълумки мамлакатимизда тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказишнинг энг қисқа ва соддалаштирилган тартиби жорий этилган. Бунга кўпи билан икки иш куни кетади. Бунда тадбиркорларни давлат рўйхатига олиш ва ҳисобга қўйишнинг хабардор қилиш тартиби жорий этилгани муҳим аҳамият касб этаётир.

Тадбиркорлик субъектларини ташкил этиш ва давлат рўйхатидан ўтказишда яна қўшимча имтиёзларнинг яратилаётгани уларнинг сафини янада кенгайтиради. Жумладан, қарорга мувофиқ, айрим фаолият билан шуғулланувчи кичик тадбиркорлик субъектлари ходимларининг йиллик сони 50 кишидан 100 кишигача кўпайтирилди. Бунинг моҳияти шундан иборатки, шу йил 1 июндан бошлаб пластмасса, лак-буёқ, маиший-кимё, пойабзал маҳсулотлари ишлаб чиқариш, юк ва енгил автомобиллар ҳамда автобусларни таъмирлаш каби жами 44 фаолият тури бўйича кичик корхоналарда ўртача йиллик ходимлар сонининг амалдаги 21 тадан 50 тагача чегаравий миқдори 21 тадан 100 тагача кўпайтирилди.

Бу ўзгариш, ушбу фаолият турлари билан шуғулланиб келаётган кичик корхоналарда ишчилар сонини кўпайтириш эвазига ишлаб чиқариш ҳажмини янада оширишга имкон яратса, яна бир томондан, ходимлар сони бўйича кичик корхоналар тоифасига кирмаганлиги учун йирик корхоналар сифатида фаолият кўрсатиб келаётган хўжалик юритувчи субъектларига солиқ солишнинг соддалаштирилган тизимини танлаш ҳуқуқини беради. Чунки шу пайтга қадар улар томондан умумбелгиланган солиқ тўловчиси сифатида бюджет ва бюджетдан ташқари жамғармаларга тўловлар бўйича ҳар ойда тақдим этиб келаётган 12 ҳисобот ўрнига кичик бизнес корхоналари ҳар чорак якуни билан тўртта ҳисобот тақдим этадилар.

Шунингдек, умумбелгиланган солиқ тўловчи ҳар ойда тўлаб келаётган тўққизта солиқ ва мажбурий тўловлар ўрнига кичик бизнес субъекти энди ҳар чорак якуни билан фақат бир маротаба ягона солиқ тўловини амалга ошириши ҳамда ҳар ойда тўланаётган маблағларини чорак давомида айланма маблағлар сифатида ишлатиш имкониятига эга бўлди.

2011 йилнинг 1 июнидан бошлаб янги ташкил қилинаётган масъулияти чекланган ва қўшимча масъулиятли жамиятлар учун устав жамғармасининг энг кам ҳажми жамиятни давлат рўйхатидан ўтказиш учун ҳужжатларни тақдим этиш санасидаги ҳолатга кўра, қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам иш ҳақининг қирқ бараваридан кам бўлмаслиги белгиланди.

Қайд этиш керакки, **“Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида”**ги қонуннинг 14-моддасига мувофиқ жамият устав фондининг (устав капиталининг) миқдори жамиятни давлат рўйхатидан ўтказиш учун ҳужжатларни тақдим этиш санасидаги ҳолатга кўра, қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам иш ҳақининг 50 бараваридан кам бўлмаслиги лозимлиги белгиланган. Мазкур қарор билан ушбу миқдор — энг кам ойлик иш ҳақининг 40 бароваридан кам бўлмаган миқдорга пасайтирилди. Демак, эндиликда масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятни давлат рўйхатидан ўтказиш учун ҳужжатларни тақдим этганда жамият устав фондини шакллантириш миқдори 500 минг сўмга камайтирилади.

Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатига олишда туман ва шаҳарлар ҳокимликлари ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларини рўйхатга олиш бўйича тегишли инспекцияларида тўланадиган давлат божи миқдори энг кам иш ҳақининг бир бароварига туширилди. Аввал бу миқдор энг кам иш ҳақининг икки баравари бўлганлигини инобатга олинса, бу борада ҳам тадбиркорларга енгиллик яратилгани ойдинлашади.

Буларнинг барчаси юртимизда мулкдорларнинг ўрта синфини шакллантириш, ички бозорни рақобатбардош ва сифатли маҳсулотлар билан тўлдириш, янги иш ўринлари яратиш ва шу асосда аҳоли даромадларини кўпайтириш ва фаровонлигини оширишга хизмат қилади.

Норгул АБДУРАИМОВА,
журналист

Huquqiy savodxonlik sari

Муаллифлик шартномаси

у қандай тузилади?

2006 йил 21 июлда қабул қилинган **«Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида»**ги қонуннинг 39-моддасига мувофиқ муаллифлик шартномаси тузилаётганда қуйидаги шартлар назарда тутилиши керак:

— асардан фойдаланиш усуллари (мазкур шартнома асосида ўтказиладиган конкрет ҳуқуқлар);

— асардан фойдаланишнинг ҳар бир усули учун тўланадиган ҳақ миқдори ва (ёки) тўланадиган ҳақ миқдорини белгилаш тартиби, уни тўлаш тартиби ҳамда муддатлари.

Шу билан бирга муаллифлик шартномаси тарафлари зарур деб топган бошқа шартлар ҳам эътиборга олиниши мумкин.

Муаллифлик шартномасида асардан фойдаланиш ҳуқуқи қанча муддатга ўтказилиши тўғрисида шарт бўлмаган тақдирда, шартнома тузилган санадан бошлаб беш йил ўтгандан кейин, агар фойдаланувчи шартнома бекор қилингунга қадар камида олти ой олдин бу ҳақда ёзма равишда огоҳлантирилган бўлса, шартнома муаллиф томонидан бекор қилиниши мумкин.

Муаллифлик шартномасида асардан фойдаланиш ҳуқуқи амал қиладиган ҳудуд доираси тўғрисида шарт бўлмаган тақдирда, шартномага биноан бошқа шахсга ўтказилаётган ҳуқуқнинг амал қилиши Ўзбекистон Республикаси ҳудуди билан чекланади.

Шартнома тузилган пайтда асардан фойдаланиш ҳақида ҳали маълум бўлмаган ҳуқуқлар муаллифлик шартномаси мавзуси бўлиши мумкин эмас.

Тўланадиган ҳақ муаллифлик шартномасида асардан фойдаланишнинг тегишли усули учун олинадиган даромаддан фоиз тарзида белгиланади ёки агар буни асарнинг хусусияти ёки ундан фойдаланишнинг ўзига хос жиҳатлари билан боғлиқ ҳолда амалга ошириш мумкин бўлмаса, шартномада қайд этилган сумма тарзида муаллифлик ҳақининг энг кам миқдорлари Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Агар асарни нашр этиш ёки ундан бошқача тарзда фойдаланиш ҳақидаги муаллифлик шартномасида ҳақ тўлаш қатъий сумма тарзида белгиланса, шартномада асарнинг энг кўп адади белгилаб қўйилиши шарт.

Муаллифлик шартномаси бўйича ўтказилган ҳуқуқлар бундай шартномада бевосита назарда тутилган тақдирдагина бошқа шахсларга тўлиқ ёки қисман ўтказилиши мумкин.

Муаллифнинг келгусида мазкур мавзуда ёки мазкур соҳада асарлар яратишини чеклайдиган муаллифлик шартномаси шарти ўз-ўзидан ҳақиқий эмас.

Qilmish-qidirmish

Олмоқнинг

КУНДАЛИК ТУРМУШИМИЗНИ ЭЛЕКТР ВА ИССИҚЛИК ЭНЕРГИЯСИСИЗ ТАСАВВУР ЭТИБ БЎЛМАЙДИ. ХОНАДОНЛАРИМИЗНИНГ ЧАРОҒОНЛИГИ, ИҚТИСОДИЁТ ТАРМОҚЛАРИНИНГ БИР МАРОМДА ИШЛАШИ, ҚЎЙИНГКИ, БАРЧА СОҲАЛАРНИНГ МУВАФФАҚИЯТЛИ ФАОЛИЯТ ЮРИТИШИ АНА ШУ НЕЪМАТЛАРГА БЕВОСИТА БОҒЛИҚ.

Мамлакатимизда электр энергияси истеъмолини ҳисобга олиш, унинг назорат тизимини такомиллаштириш, электр ва иссиқлик энергиясидан фойдаланиш қоидаларини мустаҳкамлашга доир қатор ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар ишлаб чиқилиб, амалиётга жорий этилган.

Электр ва иссиқлик энергиясидан ноқонуний, ўзбошимчалик билан фойдаланиш ҳолатларини камайтириш, бундай нохуш ҳолатларга барҳам бериш мақсадида Жиноят кодекси ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга ўзгартишлар киритилди.

Мисол учун Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 101-моддасида электр, иссиқлик, газ тармоқларига ўзбошимчалик билан уланиш ёки улардан фойдаланиш қоидаларини бошқача тарзда бузиш ёхуд электр, иссиқлик энергияси, табиий газни ҳисобга олиш асбобларига қасддан шикаст етказиш ёки бундай ҳисобга олиш асбобларининг кўрсаткичларини ўзгартириш мақсадида уларга ташқаридан аралашиш ҳуқуқбузарлиги учун жавобгарлик белгиланди. Жиноят кодексининг 185^2-моддасида эса электр, иссиқлик, газ ёки водопровод тармоқларига ўзбошимчалик билан уланиш ёхуд электр, иссиқлик энергияси, табиий газ, совуқ ёки иссиқ сувни ҳисобга олиш асбобларига қасддан шикаст етказиш ёхуд бундай ҳисобга олиш асбобларининг кўрсаткичларини ўзгартириш мақсадида уларга ташқаридан аралашиш, шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилгандан кейин анча миқдорда зарар етказган ҳолда содир этилган бўлса, жиноий жавобгарлик белгиланди.

Энди эътиборингизни электр энергияси истеъмоли билан боғлиқ қонун талаблари бузилишига доир судларда кўрилган ишларга қаратсак. Кармана тумани ИИБ ёнғин хавфсизлиги бўлими ва туман электр тармоқлари корхонаси ходимлари томонидан ўтказилган текширишда «Уйрот» маҳалласида истиқомат қилувчи Ш.Неъматов хонадонида электр тармоғига ўзбошимчалик билан уланганлиги аниқланди. Суднинг қарорига кўра, Ш.Неъматов Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 101-моддасида кўрсатилган маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этган, деб топилиб, унга нисбатан жарима жазоси тайинланди.

Олмоқнинг бермоғи бор, дейишади. Бу электр энергияси истеъмолчиларига ҳам тегишли. Яъни электр энергиясидан фойдаланилдими, вақтида ҳақини тўлаш ҳам керак.

Гап электр энергияси тўлови ҳақида кетар экан, бунга ўтган йили Жиноят кодексининг 207-моддаси 1-қисми билан айбланиб, судга берилган И.Холбоевни мисол қилиб кўрсатса бўлади. И.Холбоев Навоий вилояти «Электр тармоқлари» очиқ акциядорлик жамиятида энергия тарқатиш ва назорат қилиш бўлими бошлиғи лавозимида 2007 йил июнь ойидан ишлаб келган.

У мансабига совуққонлик билан қараб, ўзига юклатилган мажбуриятларни бажармаган.

Yangi qonun mohiyati

Йўл ҳаракати хавфсизлигининг ҳуқуқий асослари

бу борадаги меъёрлар янада такомиллаштирилди

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Бозорлар, савдо мажмуалари, шунингдек, ташкилотларнинг маъмурий бинолари атрофида, аҳоли гавжум жойларда, аэропорт ва вокзалларда транспорт воситаларини тўхтатиш қоидаларининг бузилиши натижасида транспорт воситаларининг тирбандлиги ҳосил бўлиб, улардан чиқаётган ифлослантирувчи моддалар атроф-муҳитнинг зарарланишига сабаб бўлаётир, шунингдек, фуқароларнинг хавфсизлигига хавф туғдираётир. Шу боис, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс **"Транспорт воситалари ҳайдовчиларининг тўхташ ёки тўхтаб туриш қоидаларини бузиши"** номли 128⁶-модда билан тўлдирилиб, транспорт воситалари ҳайдовчиларининг тўхташ ёки тўхтаб туриш қоидаларини бузиши энг кам иш ҳақининг уч баравари миқдорида жарима солишга ёки худди шундай ҳуқуқбузарликни маъмурий жазо қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этиши энг кам иш ҳақининг беш баравари миқдорида жарима солишга сабаб бўлиши белгиланди.

Оғир оқибатларга олиб келувчи энг хавфли ҳуқуқбузарликлардан бири бу — транспорт воситаларини маст ҳолда бошқариш ҳисобланади. Статистик таҳлиллар ушбу турдаги ҳуқуқбузарлик тури ўсиб бораётганлигини кўрсатмоқда. Масалан, бу турдаги ҳуқуқбузарлик 2007 йилда 38 мингдан, 2008 йилда 40 мингдан ортиқни, 2009 йилда 69.530 тани ташкил этган. Фақатгина 2009 йилнинг ўзида маст ҳолдаги ҳайдовчиларнинг айби билан 355 та йўл транспорт ҳодисаси содир этилган. Натижада 89 киши ҳаётдан кўз юмган, 440 киши турли даражада тан жароҳати олган.

Хорижий давлатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, аксарият мамлакатларда транспорт воситаларини маст ҳолда бошқариш учун кескин жазо чоралари белгиланган. Масалан, Буюк Британияда 3000 евро миқдорида ёки 6 ойгача қамоқ жазоси назарда тутилган. Россия Федерациясида эса, транспорт воситасини маст ҳолда бошқарган ҳайдовчи 1,5 йилдан 2 йилгача транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум этилади.

Юқоридагиларни инобатга олиб, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 131-моддасига тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Унга кўра, ҳайдовчиларнинг транспорт воситаларини алкоголли ичимликдан, гиёҳванд модда таъсиридан ёки ўзгача тарзда маст ҳолда бошқарганлиги учун илгари белгиланган энг кам иш ҳақининг беш бараваридан етти бараваригача миқдордаги жарима ёки транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан бир йилдан икки йилгача муддатга маҳрум этиш жазоси белгиланди.

Бундан ташқари, мазкур модданинг иккинчи ва учинчи қисмлари бирлаштирилиб, иккинчи қисм сифатида белгиланди ва унга кўра, худди юқоридаги ҳуқуқбузарлик транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқи бўлмаган шахс томонидан содир этилса, энг кам иш ҳақининг ўттиз баравари миқдорида жарима солишга ёки ўн беш суткагача муддатга маъмурий қамоққа олишга сабаб бўлади.

Транспорт воситасида ҳайдовчиларнинг маст ҳолда йўлга чиқариб юборилиши ҳаракат хавфсизлигига жиддий хавф туғдиради ва бундай ҳуқуқбузарлик одатда қасддан содир этилади. Статистик маълумотлар ушбу турдаги ҳуқуқбузарликлар кўпайиб бораётганлигидан далолат беради. Масалан, 2007 йилда 152 та, 2008 йилда 295 та, 2009 йилда эса 496 тани ташкил этган. Шу сабабли, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 140-моддаси санкцияси кучайтирилиб, алкоголли ичимлик, гиёҳванд модда таъсирида ёки ўзгача тарзда маст бўлган ҳайдовчиларнинг ёки транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқи бўлмаган шахсларнинг транспорт воситаларини бошқаришига йўл қўйганлик учун мансабдор шахсларга илгари белгиланган энг кам иш ҳақининг уч бараваридан беш бараваригача миқдордаги жарима ўрнига энг кам иш ҳақининг ўн беш баравари миқдорда жарима солишга сабаб бўлиши белгиланди.

Шунингдек, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 245-моддаси янги таҳрирда баён этилиб, маъмурий ишлар бўйича судьялар томонидан кўриб чиқиладиган ишлар тоифасига аниқлик киритилди. Унга кўра, агар ҳуқуқбузар ҳуқуқбузарлик фактини инкор этса, маъмурий ишлар бўйича судьялар маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги бошқа ишларни ҳам, худди шунингдек, содир этилган маъмурий ҳуқуқбузарликнинг кам аҳамиятлилиги сабабли ҳуқуқбузарни маъмурий жавобгарликдан озод қилиш ҳақидаги ёки енгилроқ маъмурий жазо қўллаш тўғрисидаги масалаларни ҳал этиш учун ўзларига топширилган ишларни ҳам бевосита кўриб чиқади, деган янги меъёр киритилди.

Бундан ташқари Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 21- ва 33-моддаларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиб, ҳуқуқбузарлик кам аҳамиятли бўлганлиги сабабли ҳуқуқбузарни маъмурий жавобгарликдан озод қилиш ёки енгилроқ маъмурий жазо чорасини қўллаш ҳақидаги масалани ҳал этиш учун маъмурий ишни судга юбориш белгиланганлиги муносабати билан бундай тартибни амалга ошириш механизмини белгилаш тақозо этилар эди. Юқоридагилардан келиб чиқиб, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс **"Ҳуқуқбузарликнинг кам аҳамиятлилиги сабабли ҳуқуқбузарни маъмурий жавобгарликдан озод қилиш тўғрисидаги ёки енгилроқ маъмурий жазо чорасини қўллаш ҳақидаги масалани ҳал этиш учун маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни судга юбориш"** номли 308¹-модда билан тўлдирилди. Унга кўра, башарти маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқувчи орган (мансабдор шахс) маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқаётганда содир этилган маъмурий ҳуқуқбузарликнинг кам аҳамиятлилиги тўғрисида ёки ушбу кодекснинг Махсус қисмидаги моддаларнинг санкциясида назарда тутилган энг кам жазодан ҳам камроқ жазо чорасини қўллаш учун асослар борлиги ҳақида хулосага келса, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш ҳуқуқбузарликнинг кам аҳамиятлилиги сабабли ҳуқуқбузарни маъмурий жавобгарликдан озод қилиш тўғрисидаги ёки енгилроқ маъмурий жазо чорасини қўллаш ҳақидаги тақдимнома билан судга юборилиши белгиланди.

Шунингдек, ҳуқуқбузарликнинг кам аҳамиятлилиги сабабли ҳуқуқбузарни маъмурий жавобгарликдан озод қилиш тўғрисидаги ёки енгилроқ маъмурий жазо чорасини қўллаш ҳақидаги тақдимнома киритиши, мазкур тақдимномада шахснинг маъмурий жавобгарликдан озод қилиниши ёки унга нисбатан енгилроқ маъмурий жазо чораси қўллаш кераклигининг сабаблари ва асослари баён этилиши белгилаб қўйилди.

Бундан ташқари ҳуқуқбузарликнинг кам аҳамиятлилиги сабабли ҳуқуқбузарни маъмурий жавобгарликдан озод қилиш тўғрисидаги ёки енгилроқ маъмурий жазо чорасини қўллаш ҳақидаги тақдимнома маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш судга келиб тушган кундан эътиборан уч сутка ичида кўриб чиқилиши лозимлиги каби меъёрлар белгиланди.

Хулоса қилиб айтганда, **"Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"**ги қонуннинг қабул қилиниши, биринчидан, суд ҳокимияти нуфузини янада ошириш орқали фуқароларнинг адолатли суд муҳокамасига бўлган ҳуқуқларини таъминлашга, иккинчидан, йўл транспорт ҳодисаларининг олдини олиш ва уларнинг сонини камайтиришга, пировардида инсон ҳаёти ва соғлиғига хавф солиши мумкин бўлган жиддий хатарларни бартараф этишга хизмат қилади.

Нодир МУХТОРОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти бош илмий ходими, юридик фанлар номзоди

Huquqiy ma`rifat

Илмий асос

суд қарорининг янада аниқ бўлишига хизмат қилади

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)



Фуқаролик ишлари бўйича экспертиза тайинлаш, уни ўтказиш ва эксперт хулосасига баҳо бериш масалаларини ҳал этишда Олий суд Пленуминиг **"Фуқаролик ишлари бўйича экспертиза тайинлаш, ўтказиш ва эксперт хулосасига баҳо беришда суд амалиётида келиб чиқадиган айрим масалалар ҳақида"**ги қарори муҳим аҳамиятга эга.

Иш бўйича ҳақиқатни ойдинлаштириш учун суд экспертиза хулосасидан кенг фойдаланиш, ўз навбатида, судлардан суд экспертизасини тайинлаш, ўтказиш ва эксперт хулосасини баҳолаш билан боғлиқ барча процессуал қонунларга ва ўрнатилган талабларга риоя қилишни тақозо этади. Жумладан, Фуқаролик процессуал кодексининг 84-моддаси 2-6-қисмларида экспертиза фуқаролик ишини кўраётган суднинг ажримига асосан судда ёки текширишнинг хусусияти тақозо этса ёхуд текшириладиган буюмни судга келтиришнинг имкони бўлмаса, суддан ташқарида ўтказилиши, суднинг ажримида қандай масалалар бўйича экспертларнинг хулосаси талаб қилинаётгани ва экспертиза ўтказиш кимга топширилаётгани кўрсатилиши, экспертиза тайинлашда суд ишда иштирок этувчи шахсларнинг фикрини эътиборга олиши, шу билан бирга иш бўйича тарафларнинг ҳуқуқларини таъминлаш мақсадида уларни экспертиза тайинлаш ҳақидаги ажрим ва эксперт хулосаси билан таништириши белгилаб қўйилган.

Бундан ташқари Фуқаролик процессуал кодексининг 192-моддаси талабига асосан судга келтириш мумкин бўлмаган ёзма ва ашёвий далиллар фуқаролик ишини кўраётган суднинг ажримига асосан жойида кўздан кечирилади ва текширилади. Далилларни жойида кўздан кечириш суднинг бутун таркиби томонидан ишда иштирок этувчи шахсларни хабардор қилган, зарур ҳолларда эса, эксперт ва мутахассисларни чақирган ҳолда ўтказилади.

Таъкидлаш жоизки, фуқаролик ишлари бўйича Каттақўрғон туманлараро судида ҳам қонунийлик ва одил судловни таъминлаш ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишда суд экспертизаси имкониятларидан кенг фойдаланилмоқда.

Статистик маълумотлар таҳлилига кўра, 2010 йил давомида туманлараро судида ишни кўриш вақтида келиб чиққан фан, санъат, техника ёки ҳунар соҳасида махсус билим талаб қилинадиган масалаларни тушунтириш учун 34 та фуқаролик иши юзасидан судга оид экспертизалар тайинланиб, экспертиза хулосалари асосида қонуний суд қарорлари қабул қилинган.

Мисол учун айтадиган бўлсак, даъвогар У.Муқимова жавобгар Н.Имомовага нисбатан қарзни ундириш ҳақидаги даъво аризаси билан судга мурожаат қилган. Судда Н.Имомова ишга даъвогар томонидан тақдим қилинган тилхат ўзи томонидан имзоланмаганини таъкидлаган. Шунга кўра, иш ҳолатларига ойдинлик киритиш мақсадида суд-хатшунослик эспертизаси тайинланган. Суд-хатшунослик экспертизаси томонидан тилхатдаги имзо ҳақиқатан ҳам, Н.Имомовага тегишли эканлиги тўғрисида хулоса берилгач, даъво қаноатлантирилган.

Бундан ташқари Д.Бозорова жавобгар Д.Эрматовга нисбатан оталикни белгилаш ва алимент ундириш ҳақидаги даъво аризаси билан судга мурожаат қилган. Судда Д.Эрматов оталикка эътироз билдирган, шунга кўра, боланинг биологик отасини аниқлаш мақсадида одам ДНКси суд-биологик экспертизаси тайинланган. Одам ДНКси суд-биологик экспертизаси томонидан боланинг отаси Д.Эрматов эканлиги тўғрисида хулоса берилгач, даъво қаноатлантирилган.

Шунингдек, С.Жўраева жавобгар Ҳ.Хусановга нисбатан никоҳ даврида олинган уй-жойни бўлиш ҳақидаги даъво аризаси билан судга мурожаат қилган. Низоли уй-жойнинг баҳосини аниқлаш мақсадида суд-қурилиш-техникавий экспертизаси тайинланган. Суд-қурилиш-техникавий экспертизаси томонидан низоли уй-жойнинг бозор баҳоси 13.344.326 сўм эканлиги тўғрисида хулоса берилгач, даъво қаноатлантирилган.

Мухтасар қилиб айтганда, амалдаги Фуқаролик процессуал кодексининг 84-89 ва 192-194-моддалари ҳамда Олий суд Пленумининг 2008 йил 12 декабрдаги **"Фуқаролик ишлари бўйича экспертиза тайинлаш, ўтказиш ва эксперт хулосасига баҳо беришда суд амалиётида келиб чиқадиган айрим масалалар ҳақидаги"** қарорининг раҳбарий тушунтиришларига амал қилиш судлар томонидан қонуний суд қарорлари қабул қилинишига замин яратмоқда.

Зеро, илмий асосларга таянган экспертиза хулосаси тегишли саволнинг аниқ жавобини топишга имкон беради. Бу эса, ўз навбатида, фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини янада тўлиқроқ муҳофаза этишда муҳим аҳамият касб этади

Фахриддин СУВОНОВ,
фуқаролик ишлари бўйича Каттақўрғон туманлараро судининг раиси

Insonparvarlik tamoyillari

Бағрикенгликнинг амалдаги ифодаси

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Дарҳақиқат, ота-боболаримиз келишмовчиликларни ҳал этишда айбдорни қаттиқ жазолаш усулини эмас, балки муроса-ю мадора йўлини афзал билишган. Таъкидлаш ўринлики, мустақиллик йилларида мамлакатимиз суд-ҳуқуқ тизимида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларнинг асосий йўналишларидан бири бўлган ярашув институти моҳиятан мана шу қадриятларни ўзида мужассам этади. 2001 йил 29 августда бўлиб ўтган иккинчи чақириқ Олий Мажлиснинг олтинчи сессиясида давлатимиз раҳбари ташаббуси билан қабул қилинган **«Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Жиноят, Жиноят процессуал кодекслари ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида»**ги қонун асосида ушбу янги институтнинг ҳуқуқий асослари яратилди ҳамда ярашув ҳақидаги ишларни юритишнинг алоҳида қоидалари белгиланди.

Ярашув институти — жабрланувчиларнинг ҳуқуқларини ишончли ҳимоя қилиш, судланганлик ҳолатини камайтириш, жиноий жавобгарликдан озод қилиш тамойилининг кўпроқ қўлланилишига, шахснинг жамиятда тутган ўрнини сақлаб қолиш билан бирга, оиласидаги муҳитга салбий таъсир кўрсатмаслик ва жавобгарликка тортиш натижасида келиб чиқадиган ҳуқуқий оқибатларнинг олдини олишга замин яратди.

Шу ўринда бевосита суд амалиётига назар ташлайдиган бўлсак, жиноят ишлари бўйича Андижон вилояти, туман ва шаҳар судлари томонидан ўтган давр мобайнида жами 7677 нафар шахсга нисбатан 7190 та жиноят иши Жиноят кодексининг 66¹-моддаси асосида тугатилиб, айбдор шахслар жиноий жавобгарликдан озод қилинган, жабрланувчиларга етказилган моддий ва маънавий зарар қопланган. Шу маънода ярашув институти нафақат айбдорларнинг тўғри йўлга тушиб олиши учун катта имконият яратади, айни пайтда жабрланувчиларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишда ҳам муҳим аҳамият касб этади. Масалан, фуқаро М.Жўраев 2010 йил 19 декабрда маҳалладоши Д.Абдуллаев билан жанжаллашиб қолади. Жаҳлига эрк берган М.Жўраев Д.Абдуллаевнинг пешонасига шиша идиш билан уради, Д.Абдуллаев М.Жўраевнинг юзига мушт туширади. Бунинг оқибатида иккаласига ҳам жиддий шикаст етади. М.Жўраев ва Д.Абдуллаев айбларига тўлиқ иқрор бўлиб, етказилган моддий ва маънавий зарарни қоплашган, бир-бирлари билан ярашган. Шу сабабли жиноят ишлари бўйича Шаҳрихон тумани судининг ажримига асосан М.Жўраев ва Д.Абдуллаев ярашганликлари муносабати билан жавобгарликдан озод қилиниб, жиноят иши ҳаракатдан тугатилди.

Зиммасидаги мажбуриятни ўз вақтида адо этмаган Т.Қўчқоров ҳақида ҳам шундай дейиш мумкин. Гап шундаки, Т.Қўчқоров фуқаролик ишлари бўйича Избоскан тумани судининг қарорига мувофиқ, икки нафар фарзандига нафақа пули тўлаши лозим бўлса-да, 2010 йил 1 августдан 2011 йил 1 январга қадар жами 548.395 сўм миқдордаги нафақа пулларини тўлашдан қасддан бўйин товлаб келган, устига-устак, нафақа пулини сўраб келган собиқ турмуш ўртоғи У.Қўчқоровани уриб, унга тан жароҳати етказган.

Судда Т.Қўчқоровнинг айбига тўлиқ иқрорлиги, етказган моддий ва маънавий зарарни қоплагани, жабрланувчи билан ярашгани инобатга олинди ва унга оид жиноят иши Балиқчи тумани судининг ажрими асосида ҳаракатдан тугатилди.

Ўтган вақт давомида ярашув институтининг аҳамияти янада ёрқинроқ намоён бўлди. Шу боис ҳам 2009 йил 7 апрелдаги қонун билан Жиноят кодексининг 66¹-моддаси 1-қисми янги таҳрирда қабул қилинди, яъни ярашилганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод қилиш доираси янада кенгайтирилди.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлашни истардикки, қонунчилигимизда ўз аксини топган бағрикенглик тамойиллари бугун жамиятимиз ҳаётида аниқ самара бераётир. Ярашганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод қилинган шахслар томонидан кейинчалик қайта жиноят содир этиш ҳоллари жуда кам учраётгани, демакки, улар ҳаётда ўз ўрнини топаётгани ҳам бу фикрни тасдиқлайди. Иккинчидан, ярашув институти билиб-билмай хатога йўл қўйган кишининг тўғри йўлга тушиб олишига қонуний кафолат яратади. Бу эса, ўз навбатида, жамиятда қонунга ҳурмат руҳини шакллантириш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари дахлсизлигини тўлиқ таъминлашдай эзгу мақсадларни рўёбга чиқариш имконини беради.

Бахтиёр НИЗОМОВ,
жиноят ишлари бўйича Андижон вилояти суди раисининг ўринбосари

бермоғи бор

Оқибатда 2008 йил 1 январда юридик шахслар бўйича вилоятда кредитор қарздорлик қарийб 500 миллион сўмни, дебитор қарздорлик 112 миллион 306 минг 197 сўмни, шундан муддати ўтган қарздорлик 87 миллион 559 минг 637 сўмни ташкил қилган.

И.Холбоев «Электр тармоқлари» ОАЖнинг мижози ҳисобланган 276 та ташкилот ва муассасанинг 779 миллион 589 минг сўмлик муддати ўтган дебитор қарздорлиги бўлишига қарамасдан уларни электр тармоғидан узиш чораларини кўрмаган. Шунингдек, вилоят «Электр тармоқлари» ОАЖ томонидан 330 та юридик ташкилотда 564 миллион 498 минг 100 сўмлик муддати ўтган дебитор қарздорликни ундириш чораларини кўриш И.Холбоевнинг вазифаси эди. У ўз вазифасига лоқайдлик билан қарагани сабабли бу ишни ҳам ўлда-жўлда қолдирган. Бундан ташқари И.Холбоев қарздорлар ҳақида рўйхат тузиб, уларни давлат солиқ инспекциясига юбориш чораларини кўрмаган. Мансабдор бир шахснинг ўзига ишониб топширилган вазифага совуққон ва лоқайд муносабати оқибатида давлат ва жамият манфаатларига кўп миқдорда зарар етказилган.

Судланувчи И.Холбоевнинг айби унинг ва гувоҳларнинг суддаги кўрсатмалари, шунингдек, вилоят «Электр тармоқлари» ОАЖда ва вилоят, туман ва шаҳар электр тармоқлари корхоналарида ўтказилган текшириш далолатномалари, «Ўзбекдавэнергоназорат» инспекцияси томонидан ўтказилган оралиқ далолатномаси, туман ва шаҳар электр тармоқлари корхоналаридан вилоят «Электртармоқлари» ОАЖга ойма-ой топширилган ҳисоботлар, далолатномалар, таққослаш далолатномалари билан ўз исботини топди.

Суд И.Холбоевни Жиноят кодексининг 207-моддаси 1-қисмида кўрсатилган жиноятни содир этганликда айбдор деб топиб, унга энг кам ойлик иш ҳақининг эллик баравари миқдорида жарима жазоси ва муайян ҳуқуқдан, яъни мансабдорлик ишларида ишлаш ҳуқуқидан маълум муддат маҳрум қилиш қўшимча жазоси тайинлашни лозим топди.

Электр энергияси истеъмоли истеъмолчининг ҳам, шу соҳага мутасадди ҳар бир мансабдорнинг ҳам ҳалол, виждонан, оқилона иш тутишини, ўз вазифаси ҳамда бурчига содиқ бўлишни тақозо этади. Зотан, шу юрт равнақи, халқимизнинг фаровон турмуш кечириши учун барчамиз бирдек масъулмиз.

Маҳфират ШОДИЕВА,
жиноят ишлари бўйича Кармана тумани судининг раиси
Абдуҳамид ХУДОЙБЕРДИЕВ,
«Куч — адолатда» мухбири

Газетхон савол беради...

Muloqot



— Айтинг-чи, қонунга биноан майда безорилик деганда нималар назарда тутилади?

Ш.ПАРДАЕВ,
Шаҳрисабз тумани

— Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 183-моддасида қайд этилишича, жамоат жойларида уятли сўзлар билан сўкиниш, фуқароларга ҳақоратомуз шилқимлик қилиш ҳамда жамоат тартибини ва фуқароларнинг осойишталигини бузувчи шу каби бошқа хатти-ҳаракатларда ифодаланган жамиятда юриш-туриш қоидаларини қасддан менсимаслик майда безорилик ҳисобланади.

— Мен яқинда ўқишни тугатаман. Бирор-бир ташкилотга бориб иш бошлаш ниятидаман. Айтинг-чи, агарда ходим ишга қабул қилинса, бу қандай тартибда расмийлаштирилади?

Н.ШАМИЕВ,
Учқўприк тумани

— Меҳнат кодексининг 82-моддасида ишга қабул қилишни расмийлаштириш тартиби ҳақида сўз юритилган бўлиб, ушбу моддага асосан, ишга қабул қилиш иш берувчининг буйруғи билан расмийлаштирилади. Буйруқ чиқариш учун ходим билан тузилган меҳнат шартномаси асос бўлади.

Корхона раҳбарини ишга қабул қилиш корхона мулки эгасининг ҳуқуқи бўлиб, бу ҳуқуқни у бевосита, шунингдек, ўзи вакил қилган органлар орқали ёки корхонани бошқариш ҳуқуқи берилган корхона кенгаши, бошқаруви ёхуд бошқа органлар орқали амалга оширади. Корхона раҳбари корхона мулкдори унга берган ваколатлар доирасида ходимлар билан меҳнат шартномалари тузади.

Ишга қабул қилиш ҳақидаги буйруқ тузилган меҳнат шартномасининг мазмунига мувофиқ равишда чиқарилади. Буйруқ ходимга маълум қилиниб, тилхат олинади.

Ишга қабул қилиш ҳуқуқига эга бўлган мансабдор шахс томонидан ёки унинг ижозати билан ходимга ҳақиқатда ишлашга рухсат этилган бўлса, ишга қабул қилиш тегишли равишда расмийлаштирилган ёки расмийлаштирилмаганлигидан қатъий назар, иш бошланган кундан эътиборан меҳнат шартномаси тузилган, деб ҳисобланади.

Саволларга юридик фанлари номзоди С.НИЁЗОВА жавоб берди.

Ватанимиз мустақиллигининг 20 йиллиги олдидан

МУНАВВАР КУНЛАР ШУКУҲИ

бу завқни ҳар бир юртдошимиз теран ҳис қилаётир

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Дунёдаги йирик шаҳарларнинг машҳур кўчаларини эслатувчи «Ўзбекистон» кўчаси бўйлаб гуллар сайли, халқ ўйинлари, халқ амалий санъати кўргазмалари, турли шоу дастурлар ўтказилади. Байрам Боғи Бобурда бўладиган "Кулги кечаси", таниқли шоирларнинг мустақилликка бағишланган мушоиралари, Алишер Навоий номидаги маданият ва истироҳат боғидаги санъат усталарининг катта концертига уланиб кетиши, ушбу анжуманларда мамлакатимизнинг барча ҳудудларидан меҳмонлар иштирок этиши кўзда тутилмоқда.

"Буюк ва муқаддассан, мустақил Ватан!" эзгу ғояси асосида мустақиллигимизнинг йигирма йиллиги арафасида ўтказиладиган ушбу байрам чуқур рамзий, маънавий аҳамиятга эга.

* * *

Андижоннинг эски шаҳар қисми аҳоли энг зич жойлашган ҳудудлардан. «Ўзбекистон» кўчасининг ҳар икки томони шаҳардаги энг гавжум, энг қадимий жойлардир. Бу кўча Бобур Мирзо давридан бери шаклланиб келган "Арк ичи"даги темирчилар маҳалласи, ҳозир Бобур музейига айланган асрларга гувоҳ мадраса, деҳқон бозори ва азалдан сотиладиган маҳсулотлар турига қараб халқ томонидан турлича номланиб келинган қатор бозорларга, эски маҳаллаларга туташ.

Ҳамшаҳарларимизга сўлим сайилгоҳ сифатида хизмат қиладиган бу кўчада пиёдалар учун алоҳида йўлаклар ташкил этилиб, четлари гулзорларга айлантирилган, каштан дарахтлари фавворалар билан уйғунликда ўзгача гўзаллик касб этган.

Ушбу кўчага кўрк бағишлаб турган 113 объект ишбилармон юртдошларимиз томонидан қурилган бўлиб, уларда ишлаб чиқариш, маиший хизмат, савдо-сотиқ каби кичик бизнес ва тадбиркорлик фаолияти ривожлантирилади. Бунинг натижасида кўплаб қўшимча иш ўринлари яратилади. Травертин, глинт, металогранит, капустянгранит, ветраж ойналар каби қимматбаҳо қурилиш материаллари ишлатилган ушбу кўп қаватли биноларнинг юқори қаватларини юртдошларимиз ўзлари яшашлари учун мослаб қурганлар.

Коммуникация тармоқлари юз йилларга мўлжалланган ушбу кўча ўртасидаги ҳимоя панжаралари эса ҳаракат хавфсизлигини таъминлашга хизмат қилади. Шу ўринда айтмоқ жоизки, шаҳардаги «Бобур», «Амир Темур», «Навоий» шоҳкўчалари ҳам шундай қулайликларга эга, обод ва кўркам қиёфада бўлиши учун ҳозир қизғин ишлар олиб борилмоқда.

Илгари Темирчилик маҳалласидаги тор, нотекис кўчанинг икки чети ҳунармандчилик маҳсулотлари билан тўлиб кетар, бу ерга автомобилда борган харидорлар анча қийналар эди. Эндиликда «Ўзбекистон» кўчасидан ушбу маҳаллага янги йўл очилди ва пастқам, тор ҳунармандчилик устахонадўкончалар ўрнига замонавий кўринишдаги, айни вақтда Бобур Мирзо даврларини эслатувчи миллий шаклдаги вассажуфтли, баланд ва кўркам янги бинолар қад ростламоқда. Аксарияти икки қаватли бинолар бир вақтнинг ўзида ҳам устахона ва дўкон, ҳам ҳунармандлар оилалари учун яшаш жойи бўлиб хизмат қилади.

* * *

Меҳнат фахрийси Мирзараҳим ота Бадалов «Ўзбекистон» кўчасида яшайди. Ўтган йили қурилишлар авж олган вақтда борганимда отахон ҳаммадан олдин ишларни якунига етказиб бўлганди. Уйининг биринчи қаватини маиший хизмат шоҳобчаси, савдо дўкони ва офис учун мослаб, юқори қаватида оила аъзолари, набиралари билан яшаётган эди. Энди бўлса, уйи атрофини гулларга буркабди.

— Раҳматли падари бузрукворимиз гул экишда ҳикмат кўп, гуллар атрофдагилар қалбини яшнатади, одамнинг кўнглига нурафшонлик бағишлайди, дер эдилар, — **эслайди Мирзараҳим ота.** — Кўчамизда бўладиган гуллар сайлида мана шу гулзорлар атрофини жой қилиб, меҳмонларни бир пиёла чойга таклиф қилмоқчиман.

Мустақиллик байрами арафасида Андижон шаҳрининг ўзида юздан зиёд савдо ва маиший хизмат, умумий овқатланиш шоҳобчалари, турар жой бинолари, тиббиёт муассасалари, спорт майдончалари, янги тантаналар саройи фойдаланишга топширилади. Янги шаҳардаги Бобур майдонига туташ, сайилгоҳ сифатида тубдан таъмирланаётган «Истиқлол» кўчаси эса юртдошларимиз учун яна бир ажойиб байрам туҳфаси бўлади.

Ана шундай бунёдкорлик ва яратувчилик ишларини амалга ошираётган юртдошларимизнинг улуғ ва эзгу ниятлари доимо ижобат бўлсин!

Хуршида ҚЎЧҚОРОВА,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Андижон вилояти бўлими раҳбари

Маълумки, Конституциямизда инсон, унинг эркинлиги, ҳуқуқ ва манфаатлари олий қадрият дея эътироф этилган. Ушбу конституциявий мезон теран моҳиятга эга. Зотан, эркин фуқаролик жамияти барпо этилаётган юртимизда биринчи навбатда инсоннинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари кафолатланади ҳамда ҳимоя қилинади. Юртимизда кенг кўламда олиб борилаётган ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий-маънавий янгиланиш ва ўзгаришлар ҳам «Ислоҳот инсон учун, унинг манфаатлари учун» деган эзгу тамойилга асосланади.

Transmilliy jinoyatchilik

Осуда ҳаёт

унинг қадрига етиш ҳар биримиз учун ҳам қарз, ҳам фарздир

Айтиш керакки, инсон ҳақ-ҳуқуқи ва эркинлиги дахлсизлигини таъминлашга қаратилган ушбу мезонлар, ўз навбатида, инсон ҳаёти ва саломатлигига дахл қилувчи ҳар қандай қилмишни қаттиқ қоралайди. Шу маънода юртимизда одам савдоси жиноятига қарши олиб борилаётган қатъий кураш замирида ҳам шахс дахлсизлигини ҳимоя қилиш мақсади мужассам.

Агар одам савдоси билан боғлиқ жиноий қилмишлар билан танишсангиз, киши эътиборини дафъатан бир ҳолат ўзига тортади. Яъни деярли барча жабрланувчилар «хорижда осон ишлаб, кўп пул топасан» деган ҳавойи гапга учиб, фирибгарларнинг тузоғига тушишган. Бу ўз навбатида ҳар биримизни ҳушёрликка, теварак-атрофга теран назар солиш, воқеа-ҳодисаларга холис баҳо беришга ундайди.

* * *

Диананинг ҳаёти яхши эди. Меҳнаткаш оилада туғилиб вояга етди, ўзига ўхшаш меҳнаткаш бир йигитга турмушга чиқди, сўнг фарзандли бўлди. Улар бир-бирига суяниб яшашар, ҳар бир ишни ҳамжиҳатлик билан ҳал қилишарди.

Таассуфки, ҳавойи ҳавасга берилиш уларнинг осуда ҳаётига рахна солди. Аниқроғи, Диана кўп пул топиш учун аввалига яқин қўшни мамлакатга бориб ишлаб келди. Аммо бу топганини шу ерда ҳам ишлаш мумкин эди. Қизиғи шундаки, Диана бу ҳақда ўйлаб кўрмади, аксинча, янада кўпроқ пул топиш тўғрисидаги ўй унга тинчлик бермай қўйди. Бу ҳақда тенгтўшларига, дугоналарига айтиб қўйди.

Тешик қулоқ эшитади, деганларидек, Диананинг ниятини Нигора исмли бир аёл эшитиб, уни излаб келди.

— Чет элга бориб ишлаш ниятингиз бор экан? — ўсмоқчилаб сўради у Дианадан.

— Кўпроқ пул топиш мумкин бўлса, борардим, — яширмади Диана.

— Албатта, топасиз, — деди Нигора оғзини тўлдириб.

— Кечирасиз, нима иш қилиш эвазига? — қизиқди Диана.

— Бой хонадонда энагалик қиласиз, — жавобни кечиктирмади Нигора. — Уларга кўл-оёғи чаққонгина жувон бўлса, бас.

Диана тажрибалироқ бўлганда қаршисидаги оғзидан бол томаётган аёлнинг сўзлари турган-битгани ёлғон эканини пайқаган, бу аёл уни энагаликка эмас, балки ўтга ташлаб, бутун ҳаётини барбод қилаётганини сезган бўларди. Аммо Диана ўзига усталик билан қўйилган тузоқни пайқамади, Нигоранинг сўзларига лаққа учиб, чет элга жўнашга қарор қилди.

Хорижда уни Нигоранинг таниши Шаҳноза кутиб олди.

— Менга иш топиб қўйдингизми?

— Топиб қўйдим, — деди Шаҳноза ҳозиржавоблик билан.

— Раҳмат сизга, яхшилигингизни унутмайман! — миннатдорчилик билдирди Диана.

Аёл унинг бу гапига мийиғида кулиб қўйди.

Бу «кулги»нинг сири кейинроқ билинди. Чунки Диана ҳалол меҳнат қилиши эмас, балки тан сотишдай жирканч ишни бажариши керак экан...

Диана кўп қийинчиликларни бошидан кечириб, бир неча ойдан сўнг юртимизга қайтиб келди. Ҳуқуқлари поймол этилгани ҳақида ҳуқуқ-тартибот идорасига мурожаат қилди. Натижада уни чет элга алдаб олиб бориб сотган Нигора Эгамназарова жиноят ишлари бўйича Сирғали тумани судининг ҳукми билан саккиз йил муддатга озодликдан маҳрум этилди.

* * *

Васила ҳам Диана сингари кўп қийинчиликларга дучор бўлди.

— Сингилжон, сиз бир жиянимга жудаям ўхшаб кетаркансиз, — дея ёқимли жилмайиб унга яқинлашди бир аёл, — жияним ҳам сиз сингари чиройли, қадди-қомати келишган.

Қаттиқ шамоллаш туфайли касалхонада ётган Василанинг юзи хиёл ёришди.

— Раҳмат, опажон! Энди, одам одамга ўхшайди-да.

— Йўқ, сингилжон, яхши одам юзидан дарров билинади, — дея янги таниши эътироз билдирди. — Шу десангиз, жияним ҳозир чет элда, яхши бир ишнинг бошини тутган. Уйига ҳар ой пул жўнатади. Очиғи, мақтаниш демангу, уни ўзим жўнатган эдим. Шунинг учун ҳар гал телефон қилганида менга раҳмат айтади, борганимда хурсанд қиламан, дейди.

Бу буромад гаплардан кўзланган мақсад, аслида, Василанинг юрагида ўт ёқиш, уни ҳам чет элда «ишлаш»га қизиқтириш эди. Устомон аёл ниятига етди. Чунки ўша куни суҳбатдан сўнг Васила шу ҳақида бот-бот ўйлай бошлади.

Аёл Василанинг юз-кўзларидаги ўзгаришларни кўриб, сўзлари мўлжалга бехато текканини сезди-да, галдаги кўришишда мақсадга кўчиб қўя қолди.

— Менга жуда ёқиб қолдингиз, сизга ёрдам бергим келяпти. Агар истасангиз, сизни ҳам жиянимнинг ёнига жўнатаман.

— Қанийди, опажон. Фақат менда у ёқларга боришга пул йўқ-да, — дея хижолат бўлди Васила.

— Сиз билан энди опасингил бўлиб қоламиз. Менда жияним юборган пуллар бор. Шунинг ҳисобидан ҳужжатларингизни тўғрилайман. Сиз ҳам жияним сингари пул ишлаб топганингизда қайтариб берарсиз.

Шу тариқа Васила ўзи билмасдан одам савдоси билан шуғулланадиган аёлнинг тузоғига илинди. Хорижда уни энагалик эмас, аксинча, жирканч ишлар кутарди. Васила келган куниёқ паспортини бериб қўйгани учун ҳеч қаерга кетолмас, дардини ичига ютиб, ортига қайтиш имконини кутарди. Бу орада у кўп хўрликларни бошидан ўтказди. Ниҳоят, ҳуқуқ-тартибот идораларининг ёрдами билан юртимизга қайтиш бахтига муяссар бўлган Васила тезда ўзининг ҳуқуқларини поймол этган жиноятчилар ҳақида тегишли идораларга хабар берди. Натижада уни хорижга сотиб, фойда олмоқчи бўлган кимсалар қилмишларига яраша жазо олди.

* * *

Малика ҳам юқорида номлари тилга олинган аёлларга ўхшаб одам савдоси билан шуғулланувчи кимсаларнинг алдовларига учди. Ҳужжатлар тайёр бўлгач, улар аэропортга келишди. Уни кузатаётган аёл Маликага сўнгги йўл-йўриқни берар экан, шундай деди:

— Самолётга чиқаётганингизда "У ерга нима учун кетаяпсиз?" — деб сўраб қолишса, сиз нима учун кетаяпман, деб айтинг.

Шу гапдан Маликанинг кўнглига шубҳа оралади. "Нима учун ёлғон айтишим керак, ахир, мен ишлагани, энагаликка кетаяпман-ку!"

— Нимага бундай дейишим керак, ишлагани кетаяпман деб тўғрисини айтиб қўя қолсам бўлмайдими? — сўради у юраги ғаш бўлиб.

— Бўлади, албатта, лекин бир-икки бемаъни қизлар энага бўлиб ишлагани кетаяпман деб, у ерда бошқа ишлар билан шуғулланишган. Шунинг учун сиздан ҳам шубҳаланишмасин дейман-да, — дарров ўзини оқламоқчи бўлди аёл.

— Тағин мен ҳам ўша қизларга ўхшаб қолмайманми? — деб сўради Малика аёлнинг кўзига тик қараб.

— Йўқ, йўқ! — деди-ю, аёл беихтиёр кўзини олиб қочди.

Шубҳалари тасдиқлангандай бўлди-ю, Малика ўрнидан отилиб турди.

— Бўлди, мен ҳеч қаерга бормайман, сиз энага бўлиб ишлайсан, деб мени алдаган экансиз...

У аёлнинг ҳай-ҳайлашига ҳам қарамай аэропортдан чиқиб кетди. Шу тариқа Малика қуллик балосидан қутулиб қолди. Уни алдаб, шунинг ортидан мўмай даромад топмоқчи бўлган кимсалар эса суд томонидан қилмишига яраша жазосини олди.

Агар юқорида баён этилган воқеаларга эътибор қаратсак, одам савдоси жиноятидан жабр кўрганлар хорижга ишлашга бориш учун ноқонуний йўл танлашган. Яъни улар фирибгар кимсаларнинг алдовига учиб, ниятига осонгина эришишни ўйлашган. Аммо оёқлари остига усталик билан қўйилган тузоқни кўришмаган. Ҳолбуки, мамлакатимизда хорижий давлатларга ишлаш, саёҳат ёки ўқиш учун боришга барча шарт-шароит ва имкониятлар яратилган. Фақат амалдаги қонун талабларига қатъий амал қилиб, мақсади сари интилган одам ҳеч қачон ютқазмайди.

Дарҳақиқат, қонунни билган қоқилмайди. Бугун юртимизда ҳуқуқий-демократик давлат барпо этилаётган экан, ўз навбатида, ҳар биримиздан фаолиятимизни қонуний йўлга қўйиш, зиммамиздаги бурч ва мажбуриятларимизни ўз вақтида ва этишимизни тақозо этади. Хусусан, хорижга чиқиш, у ерда ўқиш, ишлаш ёки саёҳат қилиш қоидалари чет эл сафарига отланган кишиларга муайян мажбуриятлар юклайди. Агар уларни чуқур ҳис қилсак, биринчидан, ҳуқуқимиз бузилмайди, иккинчидан эса, фирибгарлар тузоғидан йироқда бўламиз.

Шамсиддин ТОЖИЕВ,
жиноят ишлари бўйича Сирғали тумани судининг судьяси
Шоҳруҳ АКБАРОВ,
журналист

Maslahat

Иш ҳақи сақланмаган ҳолда таътил бериш тартиби

Меҳнат кодексининг 150-моддасида иш ҳақи сақланмаган ҳолда бериладиган таътиллар назарда тутилган. Унга мувофиқ, ходимнинг аризасига биноан унга иш ҳақи сақланмаган ҳолда таътил берилиши мумкин, унинг муддати ходим билан иш берувчи ўртасидаги келишувга биноан белгиланади.

Қуйидаги ходимларга уларнинг хоҳишига кўра, иш ҳақи сақланмаган ҳолда муқаррар тартибда таътил берилади:

— 1941 — 1945 йиллардаги уруш қатнашчиларига ва имтиёзлари жиҳатидан уларга тенглаштирилган шахсларга — ҳар йили ўн тўрт календарь кунга қадар;

— ишлаётган I ва II гуруҳ ногиронларига — ҳар йили ўн тўрт календарь кунга қадар;

— икки ёшдан уч ёшгача бўлган болани парвариш қилаётган аёлларга (234-модда);

— ўн икки ёшга тўлмаган икки ва ундан ортиқ болани тарбиялаётган аёлларга — ҳар йили ўн тўрт календарь кунга қадар (232-модда);

— меҳнат тўғрисидаги қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатларда, шунингдек, меҳнат шартномаси шартларида назарда тутилган бошқа ҳолларда.

Ehtiyot bo`ling, firibgar!

Соябон кўтарган товламачи

ЁЗНИНГ ОДДИЙ КУНЛАРИДАН БИРИ ЭДИ. ТУШДАН СЎНГ АЗИЗА ДЕРАЗАДАН КЎЧАДА ЎЙНАЁТГАН ҚИЗАЛОҚЛАРИГА ҚАРАДИ. «СОЯ-САЛҚИН ЭКАН-КУ, — ДЕЯ КЎНГЛИДАН КЕЧИРДИ У, — МАЙЛИ, ЯНА БИРОЗ ЎЙНАЙ ҚОЛИШСИН».

Шундан сўнг она уй юмушларига андармон бўлди. Аммо орадан кўп вақт ўтмай қизалоқлар ҳовлиқканча уйга кириб келишди. Саккиз ёшли Фарзона шоша-пиша қандайдир нотаниш қиз ўзи билан синглиси Моҳинурнинг қулоқларидаги тилла сирғаларни олиб кетганини айтди.

Табиийки, бу кўнгилсиз воқеани эшитган онанинг кайфияти бузилди. У шоша-пиша Моҳинурни уйда қолдириб, Фарзона билан кўчага отилди. Ҳалол меҳнат ортидан келган бойлик ўзгага буюрмаслиги рост экан. Қарангки, Фарзона қиёфасини таърифлаган, яъни қора кўйлакли, пуштиранг соябон кўтарган қиз ҳали узоққа кетишга улгурмаган, катта йўл ёқасида машина кутиб турган экан. Фарзона уни дарров таниди. «Мадина опа ана!», — деди қўли билан уни кўрсатиб.

Аслида ўзини «Мадина» деб таништирган кимса Дўстлик туманида яшовчи Дилфуза Холдорова экан. Дастлабки тергов ва судда маълум бўлишича, йигирма ёшли, бир оилага бека бўлишга лойиқ Дилфуза бирон-бир жойда муқим ишламайди.

Юқорида баён этилган жиноят содир этилган куни Д.Холдорова Гулистон шаҳрига борган. Ўзига қўл телефони сотиб олган. Уйига қайтаётиб ҳамёни бўшаб қолганлигини кўргач, йўлда Сардоба кўрғонига тушиб қолган. Мақсади — пул топиш эди. У шу ниятда кўзлари олазарак бўлиб кўча кезади. Бир пайт кўчада ўйнаб ўтирган Фарзона билан Моҳинурга дуч келади. Уларнинг қулоқларидаги қизил кўзли тилла сирғалар Дилфузанинг хаёлини ўғирлайди.

Бола — ширин гапнинг гадоси. Дилфуза уларга ширин гапириб ўзини «Мадина» деб таништиради. Қизалоқларнинг каттаси Фарзонага қараб: «Менга шу яқиндаги болалар боғчасини кўрсатиб юборинглар», — дейди. Қизалоқларнинг кўнглида ғубор йўқ-да. Улар бировга ёрдами тегиши мумкинлигидан қувониб, бир кўча наридаги боғча томон боришади. Дилфуза уяли телефонида уларни бир марта атай суратга олади. Сўнгра у қабиҳ ниятини амалга оширади.

Атрофда ҳеч кимса йўқлигидан фойдаланган Д.Холдорова «Сизларни боғча олдида суратга оламан ва уни компьютерда ишлатиб келаман, лекин қулоқларингдаги сирғалар суратга яхши тушмаяпти» — дея уларни бир-бир ечиб олади. Тўғри, бироз эсини таниб қолган Фарзона унга: «Сирғаларимни ечманг, онам уришади, қулоғим ҳам оғрийди», — деб эътироз билдиради. Лекин Дилфуза унга жавобан: «Мен қулоғингни оғритмасдан сирғани ечиб оламан, сўнг оғритмасдан жойига тақиб қўяман», — дейди...

Суд судланувчи Д.Холдоровага нисбатан жазо тайинлашда унинг айбига иқрорлиги, қилмишидан пушаймонлиги, икки жуфт тилла сирғалар эгасига қайтарилганлиги, жабрланувчининг даъвоси йўқлигини енгиллаштирувчи ҳолатлар деб топди. Шунингдек, Олий суд Пленуминг **«Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида»**ги қарори талабларига тўлиқ амал қилиб, унинг хулқини жамиятдан ажратмаган ҳолда назорат қилиш орқали тузатиш мумкин, деган хулосага келди. Судланувчи Д.Холдоровага ахлоқ тузатиш иши жазоси тайинлади.

Албатта, Д.Холдорованинг қилмишини ҳеч нарса билан оқлаб бўлмайди. Чунки маъсум қизалоқнинг қулоғида ўзига ярашиб турган сирғага кўз олайтирган кимса эртага нафс илинжида бундан-да катта жиноятга қўл уришдан тоймайди. Шундай экан, ҳар биримиз ҳаётга доимо очиқ кўз билан қараш, тинчлигимиз ва осуда турмуш тарзимизга соя ташлайдиган ҳар бир иллатга муросасиз муносабатда бўлишимиз керак.

Акмал БОЙМУРОДОВ,
жиноят ишлари бўйича Оқолтин тумани судининг раиси

Куч — адолатда

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси Олий суди

Бош муҳаррир:
Шодиқул ҲАМРОЕВ

Газета 2007 йил 23 февралда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0224-рақам билан рўйхатдан ўтган.

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ

Бўритош МУСТАФОЕВ
Олимжон ИСМАИЛОВ
Шерали РАҲМОНОВ
Мавжуда РАЖАБОВА
Нуриддинжон ИСМОИЛОВ
Зарифжон МИРЗАҚУЛОВ
Муҳаммад АЛИ
Омонбой ОҚЮЛОВ
Холмўмин ЁДГОРОВ
Дилбар СУЮНОВА
Юлчибой ТУРСУНБОЕВ
Шоюнус ҒОЗИЕВ
Баҳриддин НАИМОВ

Навбатчи муҳаррир
Отабек САФАРОВ

Саҳифаловчи
Шерзод ХАЙРУЛЛАЕВ

Газета «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида офсет усулида босилди. Манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, А.Қодирий кўчаси, 1.
E-m@il: kuch-adolatda@mail.ru
Тел.: 239-02-54, 239-02-55

Буюртма: Г-518. Қоғоз бичими: А-2. Сотувда эркин нархда. Адади: 6499.
2 3 4 5 Топшириш вақти: 20⁰⁰ Топширилди: 22³⁰